

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 20 сентябрь • № 38 (955)

Видеомулоқот

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

Жорий йилнинг 13 сентябрь куни Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ижтимоий шериклик ва жамоат назоратини кучайтиришга бағишланган қўшма видеомулоқот бўлиб ўтди.

Кун тартибидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги 1096-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 1 июлдаги 1144-сонли “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воёга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлари ижроси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида ўтказилган “Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади” деб номланган форум натижалари ва уни кенг оммалаштириш масалаларига эътибор қаратилиб, таҳлилий фикрлар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир Анвар Алимов сўзга чиқиб, мамлакатимиз тизимида мазкур қарорлар ижроси бўйича аҳолининг кенг қатлами орасида изчиллик билан фаолият олиб борилаётганлигига алоҳида урғу бериб ўтди. Айниқса, жойларда болалар, ўсмирлар, балоғат ёшдаги қизлар, фертиль ёшдаги аёллар, шунингдек, аҳоли ўртасида ўтказилаётган тиббий кўриклар, яъни «Соғломлаштириш ҳафталиги» ва «Саломатлик ҳафталиги»ларининг мунтазам равишда йўлга қўйилгани боис, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда турли касалликларнинг олдини олишда самарали натижаларга эришилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Унинг ифодаси сифатида айтиш жоизки, жорий йилнинг етти ойи мобайнида республика бўйича гўдаклар ўлими ҳамда ўсмир ёшдагилар ўртасидаги туғруқлар камайишига эришилган.

Албатта, бундай самарали натижаларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Алоҳида таъкидлаш муҳимки Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида мазкур йилнинг етти ойи давомида тиббий-ижтимоий патронаж хизматлари томонидан аҳолининг 70 минг нафардан ортиги тиббий кўриқдан ўтказилди. Тиббий кўрик жараёнида касалликлари аниқланган беморлар айна кунда амбулатор шароитда ва шифохоналарда соғломлаштирилмоқда.

Шунингдек, “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида 9712 та буклет тарқатилди ва 65244 нафар аҳоли иштирокида ўтказилган суҳбатларда 1052 та маъруза ўқилди.

Тадбирда мазкур йўналишда эришилган ижобий ишлар билан бир қаторда мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Айрим вилоятларда эрта никоҳ, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини ёшлар, оналарга тушунтириш, айниқса, кексалар соғлиғини таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилмагани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, видеомулоқот доирасида ўтган ҳафтада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Хоразм вилоятида маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорлигидаги фаолият тизimini такомиллаштириш, жамоатчиликни янада ҳушёрликка даъват этиш ва ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, 12 йиллик узлуксиз таълим тизимига ёшларни тўлиқ қамраб олиш борасидаги ишларни ташкил этиш бўйича ўтказилган “Ватаним остонаси маҳалламдан, оиламдан бошланади” деб номланган форум тажрибаси юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.
ИБОДАТ СОАТОВА.

Жараён

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ» КЎМАККА ШОШИЛАДИ



Ҳаёт-мамонт масаласи қил устида турган инсон жон сақлаш учун интилади. Ҳаёт эса ширин, жон азиз, бу ёруғ оламни тарк этмасликка интилиш талвасада қолган бемор учун энг ширин азоб. Унинг мушуқлини осон қилишга интилаётган яқинлари Яратганга илтижо қиладилар, бу ҳам бир имконият. Кўп ҳолларда эса ўлим билан олишаётган

кишининг жонига фақат шифокорлар оро киришади. Ёнига “103” рақами ёзилган “Тез тиббий ёрдам” машинаси етиб келиши билан бемор ётган хонага гўёки хотиржамлик кўнгандек бўлади. Оқ халат соҳиблари беморга ва унинг атрофида парвона бўлаётган яқин инсонларига сўзи ва дори-дармони билан нажот бахш этадилар.

Дарвоқе, барчамиз гувочи бўладиган бундай воқеаларнинг асосий қаҳрамонлари – шифокорлар шаънига фақат илиқ гаплар айтилади. Улар ўз постларида кеча-кундуз сергак туриб, қийин вазиятда қолган бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун барча чора-тадбирларни ишга соладилар. Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишнинг ушбу йўналишида тўпланган тажриба салмоқли бўлиб, аҳоли саломатлигини сақлашда бунинг ўзига хос ўрни бор.

Хусусан, пойтахтимиз аҳоли-сига фавқулодда ҳолатларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами кенг. Тошкент шаҳрида 12 та “Тез тиббий ёрдам” кўрсатиш станцияси мавжуд бўлиб, уларда ташкил этиладиган хизматни назорат қилиш ва мувофиқлаштириб боришга мутасадди ташкилотлар масъулдир. Статистик маълумотларга қараганда, уларга аҳоли томонидан

2012 йилда 724770 та му-рожаатнома тушган ва бунинг асосий қисми ижобий ҳал қилинган. Айни пайтда фуқароларнинг ўзлари келиб оғзаки ёки ёзма равишда муурожаат этган ҳолатлар 9547 та бўлиб, деярли барчаси кўнгилдагидек ҳал қилинган. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар “Тез тиббий ёрдам” станцияси раҳбарияти улар фаолиятини намунали йўлга қўйиш

(Давоми 3-бетда).

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ИСТЕЪМОЛИ

Бунда нималарга аҳамият бериш зарур?

Ички касалликлар бўйича ташхис қўйилганда, аввало, оддий препаратнинг тавсия қилиниши бежиз эмас, эҳтимол, энгил шакл беморга ижобий таъсир кўрсатар. Натижа кутилганидек бўлмаса, мураккаброқ дори хиллари билан муолажа давом эттирилади.

ШОВҚИН – САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИ

Инсон саломатлигига катта зарар келтирадиган омилларидан бири шовқин десак хато қилмаган бўламиз. Ҳозирги пайтда шовқин кирмаган ёки таъсир этмаган жойни топиш қийин.

Долзарб мавзу

ДАВР ТАЛАБИ:
ЖИДДИЙ ЁНДОШМОҚ МУҲИМ

Серкуёш Ўзбекистонимизда тинч ва осойишта яшаётганлигимиздан фахрланамиз. Шунингдек, турмушимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги бу бизнинг катта бойлигимиздир. Истиқлолимиз шарофати билан ана шундай ажойиб кунларнинг гувоҳи бўлиб келмоқдамиз. Албатта, бундай дориламон кунларга етишишнинг ўзи бўлмаётганлиги ва унинг замирида машаққатли меҳнат ётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги кунда қайси бир соҳага эътибор қаратмайлик, уларнинг ҳар бирида юқори самарадорликка эришаётганлигимиз, бу бунёдкор халқимизнинг Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббатидир. Дарҳақиқат, юқоридаги фикрларни айтишимизга асосий сабаб, жамиятимиз рав-

нақи учун астойдил меҳнат қилаётган инсонлар меҳнатини фахр билан тилга олсак арзийди.

Лекин айрим кимсалар борки, тўқликка шўхлик қилиб, ўз вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда, тараққий этиб келаётган давлатимиз мулкига раҳна солаётганликларини ачинарли ҳолдир.

Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш ва бартараф қилиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар қай тарзда олиб борилаётганлиги хусусида вазирликнинг Назорат инспекцияси бошлиғи Абдушукур Содиков билан суҳбатда бўлдик.



– Абдушукур Абдужамил-ович, соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича кимлар масъул ва бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Сўзимнинг бошида Президентимизнинг 1998 йил 25 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда коррупция ҳақидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман: “Бугунги кунда фақат иқтисодий эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказётган энг хавфли иллат – коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда”.

Юртбошимизнинг юқоридаги фикрларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай жиноятчилик маълум бир сабаб ва шарт-шароитлар таъсирида вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи сабаблар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва мurosасиз кураш олиб бориш кўмаклашади. **Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциядан бевосита азият чекадиган бу жамият ва инсонлар.** Шунинг учун ушбу муаммо глобал муаммо сифатида тан олиниб, унга қарши курашнинг давлатлар ўртасида мувофиқлаштирилган дастурлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилганлиги бежиз эмас.

Шундай экан, мазкур йўналиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигида коррупцияга қарши курашиш тадбирининг ижросини таъминлаш ва жойларда нazorат ишларини амалга ошириш вазирликнинг Назорат инспекциясига юклатилган.

Нazorат инспекциясининг асосий вазифаларига қуйидагилар, яъни соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика ва санитария муассасалари томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш, даволаш-профилактика муассасалари бошқарув органларининг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан коррупция ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олдини

уни олиш бўйича муайян ишлар ҳам олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, самарадорликни ошириш мақсадида текширувлар билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан “Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги мавзуда ўқув-се-



олиш чора-тадбирларини кўриш, бюджетдан жалб этилган маблағлар билан таъминланган даволаш-профилактика муассасаларида дори-дармонлар ва тиббиёт воситаларини харид қилиш, сотиш ҳамда улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш устидан назоратни ташкил қилиш ишлари қиради.

Ўтказилган текшириш натижалари таҳлили даволаш-профилактика муассасаси маъмурияти томонидан ташкилий, молиявий, ҳўжалик ва тиббий фаолиятга тааллуқли ишларни назорат қилмасликлари, уларга лоқайдлик билан қарашлари ҳамда меъёрий ҳужжатларни раҳбарлар ўзлари билмаслиги оқибатида қонун ва қоидабузарлик ҳолатлари рўй бераётганлигини кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш ва

минарлари ўтказиб келинмоқда. Жорий йилда ҳам республикамизнинг барча ҳудудлари (даволаш-профилактика муассасалари масъул ходимлари) кенг қамраб олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 20 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иқтисодий қонун бузилишлари ва коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғининг жойлардаги ижроси бўйича ўқув-семинарлари бўлиб ўтди. Унда асосан, шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари, вилоят тиббиёт муассасалари бош врачлари иштирок этди. Йиғилиш давомида вазирлик Назорат инспекциясининг Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят бўлим бошлиқлари юқоридаги қарор ва буйруқнинг ижроси бўйича маърузалар қилдилар. Улар асосан, бу борада амалдаги ишлар, жойларда ижро интизомини таъминлаш бўйича тиббиёт бирлашмаси бошлиқ ўринбосарлари ҳамда бош врач ўринбосарлари раислигида комиссиялар фаолият кўрсатаётганлигини, тиббиёт муассасаларида иқтисодий қонун бузилишлари ва коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида буйруқлар ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар ўтказилаётганлигини таъкидладилар.

Ютуқлар билан бир қаторда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигига ҳам алоҳида урғу бериб ўтилди. Жумладан, айрим жойларда қарор ва буйруқнинг ижросини назорат қилиш талаб даражасида эмаслиги, қониқарсиз ахволда эканлиги, фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги, иқтисодий қонун бузилишлари юзага келаётганлигини эътироз билан айтиб ўтишди. Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича йиғилиш қарори қабул қилиниб, керакли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

– **Глобал муаммонинг олдини олиш борасида кадрлар салоҳиятини ошириш учун нималарга эътибор қаратилмоқда?**

– Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларни 2008 йил январь

ойидан Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 227-сонли “Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси тўғрисида”ги қарорига асосан, вазирлик тизимидаги раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиб келмоқдамиз. Бунинг баробарида, раҳбар ходимлар ҳар 3-5 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкиллаштириш, бошқариш ва молиялаштириш” кафедрасида ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Вазирлик томонидан “Сиз коррупцияни тўхтата оласиз” мавзусида буклет тайёрланиб, тизимдаги даволаш-профилактика муассасаларига ўқув-қўлланма сифатида тарқатилди. Вазирликнинг 2010 йил 15 июлдаги 210-сонли буйруғига асосан, вазирликда ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида 14 та, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида 157 та “Ишонч телефонлари” ташкил қилинган. Улар “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ва “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида коррупцияга қарши курашиш тадбирларини амалга оширишда иштирок этмоқда. Ўтган давр ичида “Ишонч телефонлари” бўйича мурожаатлар таҳлил қилинганда, муайян натижаларга эришилганлиги кузатилди.

Юқоридаги фикрларга хулоса қиладиган бўлсак, ижобий натижалар билан бир қаторда, ханузгача айрим мансабдор шахслар томонидан коррупцияга йўл қўйилаётганлиги ҳар биримизни хавотирга солади. Бунинг учун биз хотиржамликка берилмай, жамият тараққиёти учун асосий омил бўлиб хизмат қилаётган инсон саломатлигини асраш йўлидаги бундай эзгу ишларга путур етказётган айрим раҳбар ходимлар томонидан шахсий манфаатларни кўзлаш, бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритишдек ҳолатларга йўл қўймаслигимиз керак.

Ибодат СОАТОВА суҳбатлашди.

Обуна – 2014

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми бошланди.

Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар! Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, дунё тиббиёти янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтими (www.uzssgzt.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлимидан топши имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Жараён

«ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ» КЎМАККА ШОШИЛАДИ

учун доимий равишда кўрсатма бериб боради.

Моддий-техник база мустақам ва пухта бўлган жойда хизмат кўрсатиш маданияти намуна бўлишига шак-шубҳа йўқ. Техник тараққиёт ўзининг барча кўринишлари билан намоён бўлиб турган ҳозирги вақтда тиббий хизматни ҳам улар иш-тирокисиз ва ёрдамсиз тасаввур қилиш қийин. "Тез тиббий ёрдам" станцияси маъмурияти ва раҳбарияти хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда техник воситалардан унумли ва ўринли фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Биринчи навбатда беморнинг умумий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган дори-дармонлар, юрак фаолиятини яхшилашга имкон туғдирадиган 25 та электрокардиограмма ва дефибрилятор аппаратурлари, 20 та стационар шифона билан тўғридан-тўғри боғлиқ имконини берадиган рация ҳамда шифокорнинг бемор оиласи билан боғлиқ шарт-шароит яратувчи 150 дона мобил алоқа воситасидан иш жараёнида унумли фойдаланилмоқда.

"Тез тиббий ёрдам" ўз номига яраша қийин вазиятда қолган бемор тақдирини ижобий томонга ўзгартириши мумкин. Шу мақсадда Тошкент шаҳар "Тез тиббий ёрдам" станцияси қошида аҳолига кеча-кундуз хизмат кўрсатадиган интенсив бригада ташкил этилган. Унинг таркибига тажрибали, малакали шифокорлар бириктирилган.

Бу ҳақда подстанция катта шифокори Алфия Мирнова ўз фикрларини қуйидагича ифодалайди:

– Бригадамиз "Тез тиббий ёрдам" станциясининг энг тезкор ва катта масъулият билан ишлайдиган бўлиmdir. У 4 та йўналишни қамраб олган. Шундан уртаси реанимация-анестезиология ва биттаси неврология бригадаси. Кеча-кундуз мобайнида танаффуссиз ишлайдиган бу бўлимларга 15 нафар врач тайинланган ва уларга 15 нафар фельдшер бириктирилган. Шифокорлар

инфаркт, инсульт, қон босими касалликларининг оғир шаклига учраган бўлиб, уларга зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатилиши лозим. Баъзан айрим беморларни тегишли даволаш муассасасига олиб боришимизга тўғри келади. 2013 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида пойтахтимизнинг турли ҳудудларидан 2553 та мурожаатнома қабул қилган бўлсак, барчасига ўз жойида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилган.

Шифокорлар билан бир вақтда ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимлари ҳам ўз хизмат постларида сергак туриб, ишга виждонан ёндашадилар. Улар аслида тиббий хизмат кўрсатишнинг барча йўналишларида етук мутахассис ҳисобланиб, шифокор тавсиясига биноан иш юритади. Албатта, фельдшер ва ҳамширалар ишини намунали ташкил этиш, бундан аҳолининг мамнун бўлишини таъминлаш бир қанча омилларни ўз ичига олади.

– Биринчи навбатда шифокор ҳам, унга ёрдам беришга шай турадиган ҳамшира ёки фельдшер ҳам муомала маданиятини пухта эгаллаган бўлиши керак. Ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишда аввало улардаги касбий маҳорат, синчковлик, зийраклик эътиборга олинади. Маълум муддат хизмат қилган ходимлар вақти-вақти би-

билан мулоқот қилиш, зарурий дори-дармон воситалари билан муолажа қилишнинг барча сирасорларини пухта эгаллаган, – дейди станция бош ҳамшираси Гулнора Раимжонова.

Ҳар бир соҳани бошқаришда кадрлар салоҳияти, тажрибаси ва билим-заковатидан унумли фойдаланилади. 1997 йилда қабул қилинган давлат миқёсидаги қонун ҳужжати – "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида барча соҳаларга бакалавр ва магистр кадрлар етказиб берилмоқда. Хусусан, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт педиатрия, фармацевтика институтлари, Самарқанд, Андижон Давлат тиббиёт институтларида тайёрланаётган кадрлар мамла-



белгиланган график асосида ажратилган хизмат машинаси билан бемор манзилига етиб бориб, унга зудлик билан зарурий тиббий хизмат кўрсатилади. Кўп ҳолларда бизга мурожаат қиладиган беморлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

лан ўз малакасини ошириб туради. 2012 йилда 44 нафар ходим ўз малакасини оширди. Ҳозирги вақтда "Тез тиббий ёрдам" станцияларида хизмат қиладиган фельдшерларнинг 96 нафари олий, 23 нафари биринчи, 19 нафари иккинчи тоифа малакасига эга бўлиб, улар бемор

катимиз соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилиб, бу борадаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар. Улардан маълум қисми тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасига жалб қилинган. Айниқса, ўрта бўғин, яъни ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳларида тайёрланаётган кичик мутахассисларни муносиб иш ўрни билан таъминлаш давлат миқёсидаги масалага айланган. Станция маъмуриятининг Тошкент шаҳридаги олтита тиббиёт коллежи билан уч томонлама шартнома тузганлиги алоҳида эътиборга моликдир. 2012 йилда шундай таълим муассасаларини битирган тиббиёт ходимларидан 80 нафари турли ҳудудий станцияларга, олий маълумотли шифокорлардан 23 нафари эса 2013 йилда ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йилда қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта

тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ, "Тез тиббий ёрдам" станцияларида хизмат қиладиган шифокорлар ҳамда ўрта махсус маълумотли кадрларнинг ўз касбий маҳоратини ошириш, билим даражаларини такомиллаштириш жараёнига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маҳбуба ҲАКИМОВА,
ходимлар бўлими бошлиғи:

– Пойтахтимиз аҳолисига зарурий ҳолатда тезкорлик билан тиббий хизмат кўрсатишда мавжуд 12 та станциянинг тиббий ходимлари ҳиссаси катта. Ходимларни ўз касбига, билим даражаси ва интеллектуал салоҳиятига қараб иш ўрни билан таъминлашимиз керак. Ҳозирги вақтда 586 нафар олий маълумотли шифокор ва 929 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ходими кечаю кундуз "103" хизматига жалб этилган. Уларни ишга қабул қилишда, малака тоифаларини ҳамда касбий маҳоратларини оширишда ўзига хос талаблар мавжуд бўлиб, ҳужжатларини расмийлаштиришда бу инobatга олинади. Ишга қабул қилиш жараёни мавжуд тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Вакант ўринлар бўлиб қолса, бунга муносиб кадр қайтадан тайинланади. Шифокорлар малака тоифасини оширишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга таяниб иш кўрилади. Мутахассисларни малака ошириш жараёнига жалб этиш, уларни тезкор хизматнинг замонавий усулларида хабардор қилишда уларга сўнгги бор сертификат берилган йил инobatга олинади. 2012 йилда 80 нафар мутахассис Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака ошириб келган бўлса, 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида 18 нафар тиббиёт ходими ана шу жараённинг иштирокчиси бўлди.

Тошкент дунё миқёсидаги энг йирик шаҳарлардан бирidir. Бу ерда йилдан-йилга аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада яхшилаш заруратини келтириб чиқаради. Касалликнинг бирор тури билан муттасил курашиб келаётган ёки тасодифий юрак хуружига дуч келган, умуман, фавқулодда вазиятлар рўй берган вақтда пойтахт аҳолисига биринчи тиббий ёрдам кўрсатаётган станцияларнинг ҳар бири ҳақида ҳам илиқ фикр билдириш мумкин.

Шу ўринда "103" хизмати учун айрим ҳолатлар уларнинг иш фаолиятларига жиддий таъсир этишини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Жумладан, ҳовли ва кўп қаватли уйлarning атрофлари тўсилганлиги, уй рақамлари ва кўча номларининг йўқлиги, лифтларнинг ишламаслиги, электр чиқроқлари мунтазам ёниб турмаслиги, шунингдек, оғир беморни тиббиёт муассасасига олиб кетиш чоғида машиналарнинг йўл бермаслиги, бунинг баробарида айрим кимсаларнинг тез ёрдамга "ёлғон" кўнгирак қилишлари, бемор оила аъзолари билан навбатчи шифокор ўртасидаги тушунмовчиликлар юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни юзга келтираётганлиги табиийдир. Ана шундай камчиликларнинг олдини олишда ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғини, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳамкорликда иш юритсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қисқасини айтганда, инсон ҳаётини сақлаб қолишга, унинг умрини узайтиришга қаратилган ҳар қандай саъй-ҳаракат кўпинча ижобий натижа беради, қачонки, ўз постидида сергак ва ҳушёр турган шифокорлар елиб-югуриб хизмат қилишса. Бемор ҳаётини сақлаб қолишга интилаётган шифокорлар омон бўлишсин.

Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА.

Бугуннинг мавзуси

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТИ
УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашишдан иборат экан, бу борада юртимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларнинг билим олиши ва касб танлаши борасидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, спорт иншоотлари замон талаблари даражасида бунёд этилиб, етарли шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминланмоқда. Фахр билан айтиш жоизки, кўпга ёшларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз байроғини, юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётганлиги барчамизни дилдан қувонтиради. Лекин, ютуқларимиз билан бир қаторда айрим ёшлар ўртасида зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оила, мактаб ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш масалаларига бугун барчамиз жиддий ёндашмоғимиз лозим.

Оила ва ота-онанинг
масъулияти

Шу ўринда бир савол туғилади. Ёшлар орасида ичкиликбозлик, тамакига ружу қўйиш каби салбий ҳолатларнинг юзага келишида аввало, оила ва қолаверса, ота-онанинг роли қандай бўлиши керак? Айтиш мумкин, соғлом фарзандларимиз тарбиясига зид бўлган иллатлар, асосан, оиладаги носоғлом муҳит ҳамда унинг тенгдошлари билан салбий муносабатдаги ҳолатлар, яъни ичкиликбозлик ва тамакига ружу қўйиш уларнинг бу йўлга киришига сабаб бўлади.

Ёшларни бундай зарарли одатлардан сақлашда ота-онанинг асосий ўрини тутиб, фарзандлари кун бўйи нималар билан машғул бўлганлигини эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. У билан жиддий, самимий гаплашиш, ваъда берган бўлса, албатта уни бажаришга ҳаракат қилиш, агар бажара олмаса сабабини болага ётиги билан тушунтириб, унинг ишончига эришиш бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир. Акс ҳолда, боланинг ота-онага нисбатан ишончи йўқолиб, унда масъулиятга нисбатан сусткашлик ривожлана бошлайди. Натижада болада ўз-ўзидан, кейинчалик турли зарарли одатларга ўрганиш ҳамда буни улардан сир сақлаш ҳолатлари юзага келади. Баъзи ота-онанинг фарзандининг ичкилик ва тамакига ўрганиб қолганлигини узоқ вақтгача билмайди. Шу боис, боласининг кунгида кечаётган ҳар бир ҳодисадан ота-она биринчи навбатда хабар топиши, унга тўғри йўл кўрсатиши лозим, деб ҳисоблайман, – дея мавзуга муносабат билдиради Республика саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассиси Наси-

ба Акрамова.

Хорижий телеканаллар орқали намоёниш этилаётган ғарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи фильм, клип ва шоу-дастурлар, компьютер ўйинлари таъсири ҳам ичкиликбозлик ва кашандалик каби салбий хусусиятларнинг авж олишига хизмат қилиши мумкин. Халқимизда фарзанд тарбиясининг нозик жиҳатларига, айниқса, уни меҳнаткаш, меҳр-оқибатли, иродали ва мард инсон бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилади. Афсуски, улар орасида энгил-елпи ҳаёт кечириб юрган ёшларнинг сирли ҳаёти, иродасиз болалар ҳам учраб туради. Бу тоифадаги инсонларни ғарбона ҳаёт тарзига қизиқмайди, турли шоу-дастурлар, ажнабий руҳдаги кечалар улар тақдирини ўзгартирмайди, дея олмаймиз. Ҳозирда компьютер, интернет клублари, телевидениедаги энгил-елпи, мазмунан саёз ва турли зарарли одатларни тарғиб этувчи фильмлар, ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи воситалар кўпайгани ҳеч биримизга сир эмас. Булар ўз навбатида кашандалик, ичкиликбозликнинг авж олиши, тарбиянинг бузилишига олиб келади.

Тарғибот, ташвиқот ва таъсир майдони

– Зўравонлик, шафқатсизлик акс этган компьютер ўйинларини ўйнаш айрим ёшларнинг таълим-тарбияси, турмуш тарзи ва маданиятига таъсир этади. Олимларнинг тадқиқотича, жангари компьютер ўйинлари айниқса, болалар-

да қизиққон ва мурасис бўлиб қолиш, атрофдагиларга нисбатан бефарқ, шафқатсиз муносабатда бўлиш, ўз ҳиссиётларини устун қўйиш каби салбий ҳолатларнинг шаклланишига олиб келади. Натижада иродасизлик, энгил табиатлилик каби хусусиятлар болани алкоголь ва тамакига берилиш орқали жиноят кўчасига етаклаб боради, – дейди Республика маънавият-тарғибот маркази ходими Оллоёр Бобонов. – Сизга ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб бермоқчиман. Ёшларнинг интернет клубларида нималар билан шуғулланишини яқиндан билиш мақсадида пойтахтдаги интернет клубларидан бирига кирдим. У ерда бир четдан туриб, ўсмир ёшдаги болаларнинг хатти-ҳаракатлари ва компьютерда қандай машғулот билан бандлигига эътибор қаратдим. Гуруҳларга бўлиниб, турли жангари ўйинлар ўйнаётган болаларнинг бир-бирларига айтаётган ҳақоратли сўзларини эшитиб, ҳайрон қолдим. Бу каби ҳодисалар уларнинг вақтини бекор ўтказиб, фойдасиз ишлар билан бандлигига олиб келиши табиий ҳол. Шу боис, ота-онанинг ўз фарзандига компьютер ўйинларига рухсат беришдан аввал унинг саломатлиги, ахлоқига кўпроқ эътибор беришлари лозим, деб биламан. Шунингдек, Конституцияимизнинг 64-моддаси ва «Оила кодекси»нинг 65-моддасига биноан, ота-онанинг фарзандларини тарбиялаш, ривожлантириш, уларнинг соғлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти

ва жамоат ташкилотлари масъулигини янада кучайтириш, келажақ авлодни одобли, билимдон, оқил, маънавиятли, етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Шу нуқтаи назардан, оммавий ахборот воситаларида «Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари рекламасини тақиқлаш (чеклаш) тўғрисида»ги қонун, умуман «Реклама тўғрисида»ги қонунга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова шундай мулоҳаза юртади:

– Жамият тараққий этиши билан унда амал қилаётган қонунлар юзага келаётган янги муносабатлар таъсирида янгиланиб,

тарзи маданиятини шакллантириш, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга мактабгача таълим муассасаларидан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган масканларда чуқур сингдирилиб, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган «оммавий маданият» ниқоби остидаги таҳдид ва хатарларнинг асл моҳиятини теран англаб етиши учун барча механизмлар ишга солинмоқда. Юқорида келтирилган қонун ўзгаришлари ҳам ана шу мақсадларни амалга оширишга, ёшларнинг зарарли одатлардан сақланишларини таъминлашга хизмат қилади.

«Оммавий маданият»

ва ёшлар маънавияти

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш ва унга ўрганиб қолиш ёшларни тур-



такомиллашиб бораверади. Қонуннинг мукамаллиги унинг қай даражада ижро этилаётгани, жамият манфаатларига хизмат қилаётгани билан белгиланади. 1998 йилда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Реклама муносабатларини тартибга солиш учун қонун рекламани таъсир қилувчи билан боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиди. Мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголь ичимликлар рекламасини бутунлай тақиқлаш, ноқонуний носоғлом рақобатдан тадбиркорларни муҳофазалаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси, соғлиги, тафаккури, билим олиши ҳамда маънавиятига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш

ли жиноят кўчаси томон бошлаши табиий. Ҳўш, бу каби иллатларнинг кенг қанот ёймаслиги учун ёшлар онгига қандай ғояларни сингдириш лозим? Глобаллашув жараёнининг «оммавий маданият» ниқоби остида кириб келиши ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик, ўзравонлик, ёт ғоялар ҳисобига бойлик орттириш сингари хатарли ғояларни вужудга келтирар экан, бу барчамиз учун ачинарли ҳолдир. Чунки, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари туғдирадиган хавф катта. Бунинг оқибатида ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик ҳолатлари содир этилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга хотиржамлик ва лоқайдлик билан эмас, балки ҳушёрлик билан қараш зарур. Ўртбошимиз таъкидлаганларидек: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади». Бу ҳар биримизни янада эътиборли бўлишга ундаши керак.

Мазкур фикрлардан ҳулоса чиқарган ҳолда, ёшлар тарбиясига барчамиз масъулликни ҳис қилиб, жамиятимизга хос бўлмаган иллатларга қарши биргаликда курашишимиз лозим. Зеро, баркамол авлод ва юксак ахлоқли ватанпарвар ёшлар бугунимиз ва эртаимизнинг ҳақиқий давомчиларидир.

Намоз ТОЛИПОВ.

(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг молиявий кўмагида тайёрланди).

Мутахассис огоҳлантиради

ОСТЕОХОНДРОЗ: КАСАЛЛИККА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Барчамизга маълумки, ҳозирги тезкор замон ҳар бир инсоннинг соғлигига таъсир қилмай қолмаяпти. Бу албатта, соғлом турмуш тарзи ва ўз соғлигига эътибор бермаётган инсонларда баъзи бир хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ана шундай касалликлардан бири остеохондроздир.

"Остеохондроз" сўзи

лотин тилидан олинган бўлиб, суяк ва тоғай тўқималарида озикланишнинг бузилиши (листрофия) натижасида тўқималарнинг ўзгариши "дегенерация" деган маънони англатади. Олимпларнинг таъкидлашича, остеохондроз хасталиги сурункали бўлиб, 17,2 фоиз ҳолларда ногиронликка олиб келувчи периферик асаб касалликлари учун шарт-шароит туғдиради.



Остеохондроз мойил кишилардаги нозил бўлувчи ирсий хасталик бўлибгина қолмай, балки ҳаёт фаолияти давомида айрим касалликларнинг асорати сифатида вужудга келади.

Гавданинг умуртқа қисми занжир кўринишида яратилган, у умуртқа суякларидан ҳамда улар орасидаги амортизация дисклари, пайларидан ташкил топган. Мазкур тик турилган ҳолатда бу занжир доим қисилиш режимида бўлиб, кун бўйи биз югурсак ҳам, юрсак ҳам, ўтирсак ҳам, шу ҳолатда қолади. Умуртқалараро дисклар конструкциясининг энг мўрт қисми бўлиб, нотабиий зўриқишга чидай олмайди, анча юқалашиб кетади, жароҳатланади, кўпинча бузилади. Бунинг натижасида умуртқа суякларидан бири-бирига яқинлашиб, ўзининг ўсимталари билан орқа миядан барча ички аъзолар томон борадиган асаб томирларини қисади. Шу ерда ўтадиган қон томирлари ва лимфатия томирлари ҳам жароҳатланади. Бунинг оқибатида оғриқ пайдо бўлади, бўғинлар, аъзолар жароҳатланади. Ўсмирлик даврида, умуртқа поғонамиз бир неча ўзгаришларга дуч кела бошлаши таъкидланади. Умуртқа поғонаси бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва дум суякларидан умуртқаларнинг устма-уст қўшилигидан ҳосил бўлади.

Шуни айтиш жоизки, умуртқа 33-34 та алоҳида қисмдан иборат бўлиб, булардан 7 таси бўйин, 12 таси кўкрак, 5 таси бел ва 5 таси думғаза умуртқасидир. Дум умуртқаси 4-5 та. Думғаза ва дум умуртқалари битиб кетиб, думғаза ва дум суягини ҳосил қилади. Умуртқалар бир-бири билан умуртқалараро тоғай-дисклар ёрдамида бирикади. Уларнинг бир-бирига уланиб бориши натижасида умуртқа канали ҳосил бўлиб, унда орқа мия бор, ана шу орқа миядан 31 жуфт асаб илдизчалари чиқади. Бел-думғаза тутамлари тармоқларида организмдаги энг йирик асаб эгарсимон асаб ҳосил бўлиши таъкидланади. Қайси илдизчанинг зарарланганига қараб бўйин, кўкрак ва бел-думғаза радикулити (остеохондрози) тафовут қилинади.

Мазкур умуртқалараро диск юмшоқ лиқилдоқсимон ядро ва унинг атрофидаги қаттиқ фиброз ҳалқадан иборат. Дискнинг асосий вазифаларидан бири амортизаторликдир, яъни у умуртқа устунига тушадиган барча оғирликларни ўзига қабул қилиб олади ва ютади. Дисклар худди гидравлик мослама сингари умуртқа поғоналарининг бир-бирига яқинлашишига ва бир-биридан нари сурилишига имкон беради. Турли хилдаги шикастлантувчи таъсирлар остида, шунингдек, алмашинув, иммун томир, гормонал ва генетик омиллар таъсирида диск ишдан чиқади. Олимпларнинг хулосасига кўра, дастлаб лиқилдоқсимон ядро ўзгаради, бу эса унинг сувсизланиб ва бужмайиб қолишига олиб келади. Жисмоний зўриқиш, хусусан, бирданига ёки узоқ вақт давомида оғирлик тушиб туриши натижасида ўз майинлиги (эластиклиги)ни йўқотган фиброз ҳалқада дарзлар ва хатто узилликлар юзага келиши мумкин, шунда хроник дистрофик жараён пайдо бўлиши остеохондроз дейилади. Халқ тилида "туз йиғилган" дейилади. Одам умуртқа поғонасининг 3 хил – сколиоз (ёнга), лардоз (олдига) ва кифоз (орқага) қийшайиши фарқ қилинади. Булар нормал умуртқа поғонаси шаклининг ўзгариши ҳисобланади. Сколиоз тугма (умуртқалар нотўғри ривожланиши туфайли) бўлиши мумкин, лекин кўпроқ 5-15 ёшли болаларда, айниқса, ўқувчилар орасида учраши кузатилади. Ўқув-машғулотлар вақтида болалар партада гавдасини нотўғри тутиб ўтириши натижасида умуртқа поғонасига ва мушакларга оғирлик бир хилда тушмайди. Оқибатда мушаклар бўшашиб қолади. Болаларнинг ёшлигида рахит бўлгани, катта ёшдагиларнинг эса доим бир қўлда юк кўтариши ҳам сколиозга олиб келади. Бел лардоз қоринга ёғ йиғилишидан пайдо бўлиб, умуртқалар деформацияланиши мумкин. Умуртқа поғонаси шикастланган қисмининг ҳаракатланиши қийинлашиб, оғрийдир. Лардозга шифокор томонидан даво гимнастикаси ва массаж буюрилади.

А. НИЗАМОВ,

Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали мутахассиси.

Шифокор маслаҳати

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша гашти бор. Ёз, куз ойларида мева ва сабзавотларни табиий ҳолда, қиш ойларида эса уй шароитида тайёрланган консерваларни маза қилиб тановул қиламиз. Чунки мева ва сабзавот консервалари одам организми учун жуда фойдали, аммо баъзи пайтларда консерва маҳсулотларидан захарлиниш ҳолати, яъни ботулизм касаллиги кузатилади.



"Ботулизм" – ўткир ва ўта оғир токсикоинфекция турига мансуб бўлиб, одам марказий асаб тизимини шикастлантувчи касаллик. Касаллик кўзгатувчиси ҳаракатчан, қатъий анаэроб ботулизм таёқчалари ҳисобланади, яъни ҳавосиз муҳитда вегетатив шакллари кучли экзотоксин (захар) ишлаб чиқаради.

Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари

